Корреспонденция в Национальный центр по гриппу направляется по адресу: 700194, г.Ташкент, Ю.Абдасдык р-н, ул.Муратова, 7а, Рахимову Р.А.

Тел.: 24-83-26, факс 123-90-69 (998712), e-mail NICUZ@mail.ru

Уроки здоровья

БЕРЕГИТЕСЬ ОСЕННЕЙ ПРОСТУДЫ

но даже такую «простую» болезнь, как простуда, насморк, уметь правильно лечить. Многие из нас настолько привыкли к распространённым средствам лечения простудных болезней, что фактически перестали относиться к ним как к лекарствам и опасаться возможных неблагоприятных последствий их применения. Например, нередко люди для борьбы с только начинающимся кашлем используют сильные средства. Иногда достаточно выпить горячего молока с медом или применить другие средства народной медицины и не принимать никаких лекарств. Безоглядное использование противопростудных лекарственных препаратов чревато различными осложнениями. Даже витамины надо принимать в определенных дозировках. Если можно обойтись без лекарств, надо обходиться без них, но на деле так не получается.

Представители восточной медицины (аюрведы) считают, что от многих сезонных неприятностей можно уберечься, если внести в свою диету изменения в соответствии с временем года. По представлениям восточной медицины осенью в природе, включая организм человека, который является ее частью, усиливается два начала - ветер и огонь. В это время желательно резко ограничить пищу кислого и соленого вкуса. Два этих вкуса по своей сущности связаны с огненной стихией, и употребление обладающих ими блюд способно привести к дисбалансу в организме. Почетное место в рационе должны занимать продукты горького и терпкого вкуса, противостоящие огню, и умеренно сладкие, противостоящие ветру. К сладкому восточные медики относят не только сахар, конфеты и спелые фрукты, но и молоко, масло, мясо (за исключением баранины, которая обладает повышенной теплотой), зерновые (включая хлебные, макаронные изделия, каши), картофель. Очень хороши осенью любые бобовые, которые, сочетая в себе сладкий и вяжущий вкус, заодно помогают утихомирить огонь. Та же комбинация слад-

целители придерживаются мнения, что огонь - как бы для равновесия среды их обитания - в большом количестве присутствует и в мясе животных, связанных с водой (в водоплавающих птице и рыбе, особенно морской). Значит, этими продуктами тоже лучше не злоупотреблять, отдавая предпочтение курице, индюшке, гусиному, постной свинине. Наши традиционные пряные травы - петрушка и сельдерей считаются теплыми. Полностью исключить их из меню, конечно, не следует, но и посыпать ими каждое блюдо «для витаминов» тоже не надо. Зато в любой сезон полезны моркови, шпинат, свекла. Апельсины, дыни, арбузы, виноград можно есть в любых количествах. Причем сладкое, включая и сладкие фрукты, лучше есть в начале обеда, а заканчивать кислым и горьким. Такая схема употребления продуктов улучшает обмен веществ и активизирует переваривание пищи.

Нас круглый год, в любую погоду преследуют стрессы: дома, на улице, на работе. Они накапливаются и плавно переходят в депрессию. Осенняя погода усиливает негативные ощущения, особенно у молодых людей. Часто отмечаются перепады настроения, беспричинная тревога, раздражительность. Такое состояние объясняется реакцией организма на частые смены метеорологических условий (перепады атмосферного давления, температуры, влажности и др.). Каждый человек может сам прогнозировать свое состояние и предупреждать напасти, связанные с капризами погоды. Самое большое значение имеет температура воздуха, ее перепады в течение суток или между сутками, очень важна также влажность воздуха. Ее резкое понижение ведет к значительному напряжению компенсаторных сил организма, увеличивается частота сердечных сокращений, ухудшается кровообращение. Поэтому и опасны простуды прежде всего хроническим больным, людям с ослабленным здоровьем, детям. По утверждению ученых они как пусковой механизм могут повлечь за собой воспаление легких, сердечную недостаточность и т.д.

Вирусы - самые изменчивые

антибиотиков, наносят нашему иммунитету один сокрушительный удар за другим. Но многие неблагоприятные факторы мы можем устранить самостоятельно, стоит только захотеть! Если иммунная система уже ослаблена, то для ее усиления следует не доводить себя до переутомления. Бывать не меньше часа в день на свежем воздухе, обязательно выссыпаться. Недосып грозит уничтожением иммунных клеток крови и повышает опасность заболевания вирусными инфекциями. Больше употреблять фрукты, ягоды, зелень и овощи, богатые витаминами и минеральными веществами, вести правильный и здоровый образ жизни.

Доктор Мукеш, потомственный специалист в сфере аюрведической медицины, предлагает предотвращать осенние недомогания, не прибегая к традиционным лекарствам. Именно осенью важно соблюдать определенный режим жизни. Спать ложиться нужно, когда глаза слипаются (в 22-23 час). Вставать тоже рано (в 6.30 час), поскольку в утренние часы наиболее активно действуют выводящие функции нашего организма. Если за окном осенняя слякоть и вы проснулись в неважном настроении, сделайте массаж тела подогретым кунжутным маслом и примите теплый душ.

Что касается еды, то на завтрак лучше есть немного. На выбор - омлет, вареное яйцо, молоко, кипяченое со сливками, каша из любой крупы. Не нужно только есть пшено и рожь. Пообедать хорошо бы в 12-13.30 час. В это время лучше всего происходит переваривание пищи и усвоение ее организмом (супы, овощи, мясо мелких животных - птицы и кролика). Причем сладкое, включая и сладкие фрукты, лучше есть в начале обеда, а заканчивать кислым и горьким. Такая схема употребления продуктов улучшает обмен веществ и активизирует переваривание пищи. В 15-16 час можно выпить сок, стакан молока или съесть фрукты (один вид), бутерброд с овощами или топленым маслом (легкий полдник). На ужин (в 18-19 час) годится любая легкая пища, на количество не нажимайте. Вечером избегайте сладкого, фруктов, кисломолочных продук-

ХОСПИС – ҚАРИЯЛАР УЙИ ЭМАС!

Ўзбекистонимизнинг ҳамма соҳаларида ўзгаришлар кузатишмоқда, шу жумладан тиббиётимиз ҳам кун сайин раванг топиб бормоқда. Бунга «Ҳамширалик иши»даги ўзгаришларни мисол қилса арзийди. Ҳозирги давр талабларидан бири жамиятимизга малакали кадр етиштириб чиқариш бўлса, халқимиз саломатлигини яхшилаш, вақтида тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва соғлом инсонлар орасида тушунтириш ишларини олиб бориш биз ҳамшираларга қўйилган талабдир.

Маълумки, бир неча йиллардан буён ҳамширалар учун «Геронтология» фанини ўтмоқда-миз, улар назарий билимлар билан чегараланиб қолмоқда. Ҳамшираларга кекса ёшдаги беморлар учун алоҳида парваришlash қонун-қоидаларини ўрганиш учун амалиёт кўпроқ керак. Ҳамшираларимиз ўзлари алоҳида кекса ёшдаги беморлар билан уй шароитида, касалхонада, патронаж вақтида шугулланишлари лозимдир. Қўпгина ҳолларда ёши улғў ёки кексайган ёшдаги беморлардаги ҳасталикларга баъзи тиббиёт ходимлари «қаричликда!» деб фикр билдиришади. Бу албатта нотўғри. Чунки, «қаричлик» – касаллик эмас. Қарияларимизнинг кўпчилиги ўзини ҳаётда ёлғиз сезади ва улардаги энг катта муаммо ўзларига ҳамсуҳбат топиш. Геронтология фанини ўтар эканмиз, ундаги терминлар, ранг-баранг касалликлар, қарилка ҳос белги ва одатлар билан танишамиз. Шундай экан биз кексаларни ҳам ўйлашимиз лозим. Жамиятда биз болалар учун турли оромгоҳлари, аёллар учун ҳар хил марказлари, эркаклар учун турли дам олиш масканларини яратибмиз-у, лекин кекса онахонлар, отахонларимиз учун ҳеч бир шариот яратмабмиз?! Тўғри сиз эътироз билдиришингиз мумкин, «санаторийларчи, оталар чойхонасичи?» деб, лекин бу ҳаммаси эмас.

Чет мамлакатларда кекса ва қариялар учун махсус ХОСПИС-лар мавжуд бўлиб, бу тизим биз учун янгиликдир. Кўпчилик инсонлар хосписни «Қариялар уйи» деб ўйлашар экан. Ўз ўзидан «Қариялар уйи» дегандан кейин кўпчилик инсонлар «ҳаётда ёлғизлиқни қолган», «фарзандларидан кечган», «фарзандлари воз кечган» қариялар яшайдиган жой деб ўйлашади ва ўз-ўзидан келиб чиқадики, бизнинг муассосалигимизга бу тизим тўғри келмайди деб фикрлашади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бизнинг давлат кўп миллатли давлатлар

қаторига киради. Ундан ташқари кўпчилигимиз эрталабдан кечгача ишлаймиз ва кеса ота-оналаримизни уйда ёлғиз қолдираемиз. Бу эса қўпгина кексалар учун оғир ботиши мумкин ва оилада турли келишмовчиликларга олиб келишига сабаб бўлади. Бундай ҳолларда қўпгина оилаларимиз фалон пулга «энага» ёллашади. Мен яқиндагина Япония давлатидаги хоспис тизими билан қизиқиб қолдим. У ерда 3 та турдаги хоспислар мавжуд бўлиб, улардан биттаси менга жуда ёқди. Чунки эр-талаб ишга кетаётган одам ўз ота-онасини хосписга олиб келиб қўйишар ва ишдан қайтаётган пайтда яна уйга олиб келиши мумкин экан. Бу ерда қариялар ўзаро суҳбатлашар, ҳар хил машғулотлар билан машғул бўлишар, ҳаттоки махсус хоспис ходими ўзига бириктирилган кекса ҳақида китоб ёзишар ёки махсус маслаҳатлар тўпламини яратишар экан. Яъни «Қари билганини пари билмас» деб бекорга айтишмаган-ку! Бу эса оила бюджетига ҳам катта тежамдир. Бу усулни эса бочка болаларига қўлаймиз. Шунда оилаларга махсус «энагалар» керак бўлмай қолади. Шу жумладан ХОСПИС – ҚАРИЯЛАР УЙИ ЭМАС!

Ундан ташқари хосписнинг бир қанча вазифалари ҳам бор. Онкологик касалликлардан ўлиш арафасида турган одамларга бизнинг жамиятимиз нима қилиб бера олиши мумкин? Агар нур билан даволаш ҳам, жароҳлик амалиётлари ҳам, дори-дорилар билан касалликнинг ривожланишини тўхтата олмаса, бу олдйигина қилиб айтганда «тиббиёт оғиз» деган маънони билдириб, беморни қариндошлари қаромоғида азоб-уқубатлар ва ўлим қўрқуви билан якка ҳолда қолдирадими? Буларга жавоб тарзда аввал Фарбий Европада, Америкада, Россияда ва бошқа мамлакатларда ҳозирги замон хосписларининг юзага келиши бўлди. Хоспислар айнан бедаво хасталарга ёрдам кўрсатиш учун йўналтирилган бўлиб, улар чорасиз бўлиб қолган беморларни парвариш қилишга қаратилган.

Тиббий ёрдам тизими нафақат бизда, балки бошқа мамлакатларда ҳам шундай йўлга қўйилганки, асосий ресурслар одадта беморни даволаш ва соғлигини тиклашга йўналтирилади. Агар даволаш имконияти бўлмаса инсон амалда тиббий ёрдам тизими қарашлари доирасидан четда қолади. Хоспислар эса ўлимга маҳкум бемор кишини, касаллик симптомларини профессионал даволаш ёрдами, малакали тиббиёт ҳамширалари ёрдами билан таъминлабгина қолмай, шунингдек беморларга, уларнинг қариндошлари ва яқинларига руҳий, маънавий, ижтимоий кўмак беради.

Хоспис – онкологик беморларга ёрдам тизимида нисбатан янги тушунча ва шунинг учун жамиятда у тўғрисида маъму, айрим ҳолларда тесқари қарашлар пайдо бўлади. Хоспис – ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш, уларни координациялаш, шу билан бирга, жамият томонидан ўлим ёқасида турган бемор инсонларга ёрдам кўрсатиш тизимидир.

Хосписнинг вазифаси ўлимга олиб борувчи касалликнинг охиригача босқичидаги беморларга ғам-ҳўрлик қилиш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, бундай кишиларнинг ҳаётлари яқинини имкони борича бекаму кўст, осуда яшаб ўтишларини таъминлаб бериш мақсадида қилиб чиқади. Хоспис фалсафаси ҳаётни тасдиқлайди, у шундай бир ишончга таянадики, унга кўра атрофдагиларнинг беморга нисбатан шахсий парваришлари ва ғам-ҳўрликлари уларга ҳаётларининг сўнгги дамлари кўнглини яшаб, ўлимга тайёрланишларига имкон беради.

«Хоспис» сўзининг маъноси ўлим билан боғлиқ бўлмай, кейинги даврларда ҳозирги хосписларнинг мақсад ва вазифаларига муштарак бўлган бир қатор қўлланмаган маъноларига эга бўлди. Латинча «hospes» сўзи дастлаб меҳмон маъносини билдирган, лекин классик даврлар охирида унинг маъноси ўзгарди ва у мезбон маъносини билдира

Мулоҳаза мушоҳадага чорлайди

бошлади. «Hospes» сўзидан келиб чиқувчи сифат сўз туркумига кирувчи «hospitallis» сўзи эса «меҳмондўст, мусофирларга нисбатан дўстона» маъносини англатарди. Бедаво дардга чалинган беморлар шифокорнинг нуфузини тушириб юбориши мумкин эди. Улар ҳаётларининг охиригача қариялар уйларида деярли тиббий ёрдам олмай яшар эдилар. 19-аср бошларида шифокорлар ўлаётган бемор ҳузурига ҳатто уларнинг ўлганини аён қилиш учун ҳам камдан-кам ташриф буюрар эдилар. Бу вазифани руҳонийлар ёки амалдорлар бажарганлар. 1842 йил турмуш ўртоғи ва фарзандларидан айрилган ёш аёл Жане Гарнье Лионда ўлаётганлар учун биринчи масканни очди. У «Хоспис», шунингдек «Гольгофа» деб аталди. Кейинчалик Франциянинг турли жойларида бир неча хоспислар очилди. Улардан баъзилари ҳозирда ҳам фаолият кўрсатмоқда ва шу давлатда палиатив ёрдам ҳаракатларини кучайтиришда қатнашмоқдалар.

1980 йиллар бошида хоспис ҳаракати ғоялари бутун дунё бўйлаб тарқала бошлади. 1977 йилдан авлиб Христосфор хосписида ахборот маркази фаолият юрита бошлади. У хоспис ҳаракати ғоясини тарғиб этади ва эндигина очилган хоспислар ҳамда кўнглиларига ғуруҳларига адабиёт ҳамда кундузги стационарлар, кўма ҳизматлари ташкил этиш бўйича йўл-йўриқлар билан ёрдам беради. Хоспис парвариши бўйича мунтазам ўтказилаётган конференциялар тажрибали шифокорлар, тиббиёт ҳамширалари ва кўнглиларнинг, турли дин, маданият вакиллари билан алоқаларига ҳамда фикр алмашувларига имкон беради. Кўп ҳолларда ана шундай конференцияларда у ёки бу мамлакатларда хосписни ташкил этиш қарори юзга келарди.

1990 йиллар бошларида собиқ иттифоқда хоспислар тизими бўйича Василий кенгаши тузилиб, унинг раиси академик Д. Лихачев этиб тайинланди. 1992 йил Москвада даволаб бўлмайдиган беморларга уй шароитида ёрдам берувчи кўнглилар ва тиббиёт ходимларининг кичик ғуруҳи ташкил этилди. 1997 йил Москва ҳукуматининг молиявий ва маъмурий ёрдами билан шахар марказида Даватор кўчасида биринчи Москва хосписининг янги биноси очилди. Ҳозирда Россияда 20 нафар атрофида хоспислар бўлиб, улар Қозон, Ульяновск, Ярославль ва бошқа шаҳарларда фаолият олиб бормоқдалар.

Айтишларича, инглизча «Хоспис» сўзи русча таржимада икки

вариантга эга. Улардан бири меннинг фикримча энг аниқроғи бўлиб, аланга олаётган дунё маъносини билдиради. Бу шундай дунёки, унда инсон азоб-уқубатларининг тубсизлиги, умид ва ишонч чексизлиги билан бирлашиб кетади. У ҳақиқатан ҳам аланга-ланаётди, чунки барча оғрик, муҳаббат, қўрқув ва азоб энг чўққисиди бўлади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Хоспис тушунчасининг ўзи ҳам россиялик шифокорларнинг лексиконига яқинда, яъни худди чет элларда бўлгани каби тиббиёт муассасалари очила бошлаганидан кейин кириб келди. Даволаб бўлмайдиган беморлар учун муассасалар очилиши хоспис фаолиятига замин яратди. Иккинчи таржимада у «охирги лангар ташлайдиган жой» деб ифодаланади...

Бу йилнинг Президентимиз томонидан «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши ёш кадрларга янада чуқурроқ вазифалар қўйлади. Шунга таъкидлаш лозимки, тиббиётнинг бош вазифаси касалликнинг олдини олиш ва даволаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборат. Шундай экан, тиббиёт ҳамма даврларда, ҳар хил қўрилишларда ўзига юкланган ушбу улғувроқ вазифани адо этишга ҳаракат қилади. Тиббий хизмат кўрсатишнинг бир қўрилиши – ХОСПИСдир.

Гарчи хоспис ҳаракати кўп асрлик тарихга эга бўлсада, ҳозирги кунда хоспислар фаолиятига аҳамият, талаб ошиб бормоқда. Бунга сабаб аҳоли сонининг ортиб бораётгани онкологик касаллик билан оғриган беморлар сонининг юзорилиги, руҳий муаммолар вазиятларнинг кўпчилиги, экологикнинг бузилиши ва бошқалар бўлиб, улар ҳозирги кунда хоспис ҳаракатини нихоятда муҳим заруриятга айлантириб қўймоқда. Бу эса ўз навбатида жамият томонидан тиббиётнинг ушбу йўналишига кучли эътибор бериб, борган сари кўпроқ куч ва ресурсларни сарфлашни тақозо этади. Бу масаланинг бир томони ҳисобланади, иккинчи томондан хоспис ҳаракатининг биз учун нисбатан янгилигидир.

Д. АЛИКУЛОВА,
Тошкент тиббиёт академияси,
«Ички касалликлар пропедевтикаси ва ҳамширалик иши терапияси» кафедраси ассистенти.

Долзарб мавзу

ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИЗМИ?

Тизимдаги даволаш-профилактика муассасаларини кузги-кишк мавсумга тайёрлаш, кишининг совуқ кунларида беморларга талаб даражасида шариот яратиб бериш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимдаги тиббиёт муассасаларининг 2005-2006 йиллар куз-кишк мавсумига тайёрлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 майдаги «Иқтисодиёт тармоқларини 2005-2006 йиллар куз-кишк мавсумига тайёрлаш ҳақида»ги ПК-85 қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 6 июндаги 260-сонли буйруғи ва бу борада тузилган режа-тадбирлар асосида олиб борилади.

Мавсумга тайёрланиш ишлари ўтган иситиш мавсумида

йўл қўйилган хато ва камчиликларни чуқур таҳлил қилиб, улардан керакли сабоқ олинган ҳолда амалга оширилди. Натижада, кўмир ёқилгисининг захираси жорий йилнинг 15 август ҳолати бўйича республикадаги иқтисодиёт тармоқлари ичидан энг биринчи бўлиб тўлиқ тугатилди. Суяқ ёқилгис захираси ҳам тугатилди арафасида. Ундан ташқари 68,5 км иссиқлик, 60,6 км совуқ сув, 23,1 км газ тармоқлари, 285 та қозонхоналар, 425 та иситиш қозонлари, 379 та шифоналар мукамал ва жорий таъмирланди.

Албатта қўпгина тиббиёт муассасаларимизнинг материал техник базаси эскириши, барча муҳандислик тармоқлари таъмирлашга муҳтож бўлиб қолиши, айрим муассасаларда бир неча йиллар давомида таъмирлаш ишлари ўтказилмаганига сабабли муассасаларни кишк мавсумга тайёрлашда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Тизимдаги тиббиёт муассасаларининг материал техник базасини тақомиллаштириш бўйича охириги йиллар давомида бир қатор ижобий ишлар қилинмоқда. Деярли ҳар йили барча вилоятларда янги даволаш-профилактика муассасалари ишга туширилган. Жумладан, Хоразм вилоятидаги Янгиарик туман марказий шифохонасининг иккинчи навбати, Янгибозор туман мар-

казий шифохонасининг янги биноси, Республика шохилининг тез тиббий ёрдам марказидаги Педиатрия корпуси, Самарқанд вилояти Оқдарё туман марказий шифохонасининг янги биноси, Жиззах вилоят Диагностика марказининг янги қурилган биноларининг фойдаланишга топширилиши республикамизнинг мустақиллик байрамига муносиб соғам бўлди. Бу борада Тошкент шаҳри, Хоразм, Тошкент, Наманган, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилаётган ишлар мактубга арзийди.

Янги биноларнинг қуриб ишга туширилиши, мавжуд муассасаларнинг қайта таъмирланишида ҳомий ташкилотларнинг маблағлари жалб этилиши кишини яна-

да қувонтиради. Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида қурилаётган турмуш комплекси (Бекобод металлургия комбинати 350 млн. сўм), Хоразм вилояти сиб касалликлар диспансери (Ўзавтосаноат 600 млн. сўм), фермерлар хисобидан қурилаётган кишлоқ врачлик пунктлари буларга аққол мисол бўлиши мумкин.

Умуман олганда бу йилги кишк мавсумга олиб бориладиган тайёргарлик ишлари қониқarli ташкил қилинди. Жойлардаги раҳбарлар ва мутасадди ҳодимлар ушбу долзарб муаммога катта масъулият билан ёндошдилар.

Уйлашмизки, вақтида қилинган ишлар кишк фаслида ўз самарасини беради.

Б. ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ТМКФБ бошлиғи муовини.

Ибрат

ЯХШИЛИК УЧУН ЯРАТИЛГАН ИНСОН

Дунёда яхши инсонлар кўп. Лекин яхшиларнинг яхшиси бўлиш, кўпнинг назарига тушиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Айниқса қаришларнинг «Умрингдан барака топ, икки дунёда ҳам азиз бўлгин», дея қилган дуоларини олиш шарафдир. Сурхондарёлик Али Арзиев ана шундай дуоларга мушарраф бўлиб келаётган инсонлардан бири. 66 баҳорни қарши олган Али ака ҳали бақувват, тенгдошларига нисбатан анча ёш кўринади. Қумкўрғон туманининг «Беш қахрамон» ширкат ҳўжалигида туғилиб ўсган Али Арзиев 1958 йилда А. Навоий номидаги 1-ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Тиббиёт институтига ҳужжат топшириб, талаба деган номга сазовор бўлди.

— 2-курсни тугатаётган давримда отам Тошкентга мени кўргани бордирлар, — дейди Али ака. — Болам, шу ўқишингни Душанбегга кўчирсанг, уйга ҳам анча яқин бўларди, деб қолдилар. Билмадим, ректор рухсат бермаса керагов, деб кўйдим ўзимча. Эртасига отам ректор ҳузурига кириб гаплашибди. Ҳўжаларим Душанбедаги Тиббиёт институтига ўтказилиб, ўқишни ўша ерда давом эттирадиган бўлдим. Шундай қилиб, 3-курсдан бошлаб, Душанбе Тиббиёт институтида тахсил ола бошладим...

Янги устозлар, курсдошлар билан дарров тил топишиб олган Али Арзиев тез орада барчанинг эътиборига тушди. 4-курснинг охирида машгулотлар клиникаларда ўтказиларди. Профессор, жарроҳ Вали Эгамов талабаларга кетиш учун рухсат берар экан, Али акани олиб қолди ва: «Ўзинг кичкина бўлсанг ҳам чаққон экансан, жарроҳликка эпнинг борлиги кўриниб турибди, — деди Али Арзиевга профессор. — Сурхондарёдан экансан. Жуда яхши. Сурхондарёликларга зўр жарроҳ тайёрлаб берайлик-чи...»

Шундан сўнг Али ака профессор билан тунги навбатчиликда қолиб, илк жарроҳлик фаолиятини бошлаб юборди. Шу кеча учта жарроҳлик иши амалга оширилди. Профессорнинг жуда тез ва аниқ ҳаракатларини синчковлик билан кузатиб бораётган ва ёрдам бериб турган А. Арзиевга устози: «Қани бўлажак жарроҳ, бугўни ўзинг бажар, сиртки тиқишга устасан-ку!» — деди. Ҳаяжонданми ёки устозининг ишончидан руҳланибми, Али ака шунчалек тез ва аниқ ишни бажардики, профессор унга миннатдорчилик билдирди. Шундай қилиб профессор Али Арзиевга баъзи жарроҳлик ишларини мустақил равишда бажаришни топшириб, уни синовлардан ўтказди.

1965 йилда ўқишни муваффақиятли тамомлаган Али ака ўша пайтдаги қоидаларга кўра Вали Эгамовнинг оқ фотиҳаси билан уч йиллик йўланмага асосан Регар шаҳридаги марказий шифохонанинг жарроҳлик бўлимига ишга юборилди. Шифохонанинг бош враччи ёш шифокорни илқилик билан қутиб олди. А. Арзиев ўзига юқлатилган вазифани ва устозининг ишончини оқлаш мақсадида тунларни тонларга улаб изланди, ўз устида ишлашдан чарчамади. Қўнларнинг бирини ёш шифокорнинг қабулига Валентина исмли рус аёли семизлигидан шикоят қилиб келди. Али Арзиевнинг ёрдами натижасида қорнидаги 9,5 килограмм чарви ёғидан ҳалос бўлган аёл янги қоматидан чексиз қувониб, ёш шифокорга ва шифохона ходимларига ўз миннатдорчилигини билдириб кетди. Яна бир марта шунга ўхшаш ҳодиса ўч берган. Қорнидаги оғир юкдан ҳарсиллаб, азобланаётган аёл жарроҳлик столига ётқизилди. Ҳомиладор эмаслиги аниқ, демас... Жарроҳлик усули ўтказилиб, икита эхинаккоқ халтачасидан салкам 10 килограммлик йиринглаган эт чиқариб ташланди. Бир кун ёш ўғил бола зудлик билан жарроҳликка олиб келинди. Чурра бўлибди, деган ташхис қўйиб, ишга киришилди. Чурра халта очиб кўрилса, кўричак унинг ичида экан. Болакай бир йўла икки дарддан ҳалос бўлган экан.

Тожикистоннинг Регар шаҳрида уч йил тажриба ортирган жарроҳ 1968 йилда Шўрчи туман марказий шифохонасида ўз фаолиятини давом эттира бошлади. Минглаб беморларни дарддан фориғ қилиб, ҳаттоки ажал домидан ҳам сақлаб қолди. Али ака фақат моҳир шифокор, қўли энгил жарроҳ эмас, балки ташкилотчи раҳбар, ташаббускор инсон сифатида ҳам танила бошлади. Ўзининг фидойилиги, самимий меҳнатлари туфайли 1976 йили тумандаги «Тез ёрдам станцияси»га бош врач этиб тайинланди. 1983 йилдан 1994 йилга қадар Шўрчи туманида бўнд этилган энг йирик корхона ун комбинати қошидаги сихатгоҳда жарроҳ бўлиб фаолият юритди. 1996 йилдан то 2002 йилгача туман катталар поликлиникасида бош врач лавозимида ишлаб, халқ саломатлиги йўлида кўпгина ишларни амалга оширди...

Таниқли санъаткор, марҳум Тожидин Муродовнинг Шўрчидаги гастроллари ҳар доим гавҳум бўларди. Бу гал ҳам концертга тумонат одам йиғилди. Кўшиқ авжига чиқиб, раққоса сахнада хром эта бошлаган чоқ бирдан биқинини ушлаб ўтириб қолди. Уни тезда шифохонага олиб келишди. Кўричак хуружи уни азобларди. Жарроҳлики бошлаш лозим. Ажабо, кўричак ўнгда эмас, чап биқинида эди. Кўричакдан ҳалос этилиб, палатага ётқизилган раққосанинг юрагига қўлоқ тутган шифокор ханг-манг бўлиб қолди. Муҳаббат исмли бу раққосанинг юраги ўнг томонда жойлашган экан. Юрагининг ўнг томондаги иштитган беморнинг ўзи ҳам таажжубланиб, врачнинг ёзиб берган «Кўчирма»сини қўлига олар экан, шифокорга чексиз раҳматлар айтди...

Ҳуллас, Али Арзиев қаерда, қайси лавозимда ишламасин ҳалол ва ростгўйлиги билан жамоадошлари ҳамда халқ меҳрини қозонди. «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони ва 4-5 та фахрий ёрлиқларни ҳисобга олмганда тажрибали шифокор ҳеч қандай мукофот билан тақдирланмаган. Фақат юзлаб, минглаб одамларнинг миннатдорчилиги, дуолари унинг учун ҳар қандай мукофотдан устундир.

Али ака турмуш ўртоғи Робия Каримова билан биргаликда саккиз фарзандни воёга етказиб уйли-жойли қилишди. Оиладаги тўнчиг фарзанд Исмоил ота касбинини эгаллади. У Самарқанд Тиббиёт институтини тамомлаб ўша ерда ишлади, аини пайтда тиббиёт фанлари номзоиди. Қизлари Хосиятхон ҳам шифокорлик дипломини олиб, 15 йилдан буён туман болалар поликлиникасида меҳнат қилаётти. Бахтиёр ҳарбий қисмда, Ихтиёр ишчи, дилором ўқитувчи, Дилбар болалар бочасида тарбиячи бўлиб фаолият юритмоқда. Гулнора ва Гулчехра уй бекаси. Ҳа, 24 неваранинг суоқли бобоси бўлган Али Арзиев бугунги кунда ҳам ўз соҳаси бўлган саломатлик посбонлари сафидан узоқлашгани йўқ. У киши поликлиникадаги хоналарнинг бирида беморларни даволаб, халқи учун хизмат қилмоқда.

Биз Али Арзиевнинг келгуси ишларига омад тилаб, тани-соғлиқ, оилавий бахт ҳамиша қамроҳи бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз.

Чори ҚОРАҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти.

Тақриз



«ТАНИШИНГ, ШОЯД СИЗ ҲАМ ШИФО ТОПСАНГИЗ»

Китоб жавонларига янги бир китоб кириб келганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин уни сўровчилар кўп. Сўраётганлар касалмандлар, шифокорлар, олимлар, оддий ўқувчилар. Китоб адабиётшунос (тиббиёт ходими эмас) Собир Мирвалиев қаламига мансуб. 250 бетни ўз ичига олган бу китоб икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда муаллиф наманганлик халқ Академияси аъзоси, 87 мамлакат таниган шифокор-олим, табиб Муҳиддин Умаров ҳақида ёзган. Иккинчи қисмда Муҳиддин Умаровнинг «Томирдан ташхис» рисоласи келтирилган. Китобнинг бундай тузилиши жуда яхши бўлган, чунки иккинчи қисмда пульсдан ташхис қўйишни ўрганувчилар учун етарли маълумотлар ҳам келтирилганки, иккинчи қисм асарнинг биринчи қисмининг тўлиқ асослашга хизмат қилади, уни тўлдирди, айрим шўҳаларга ўрин қолдирмади.

Энг муҳими бир томондан китобни ўқиб тиббий озуқа олаётган киши иккинчи томондан бадий-адабий озуқа олади. Муаллиф бу иккала ҳолатни ҳамоҳанг ёзади. Биринчи фасл «Бағишлов»да табиб билан танишув, муаллиф кечирган касалликлар, олган даволар ва табибнинг мўъжизакорлиги ифода топади. Бу ерда табиб шажараси ҳам бериладики, шифокор Муҳиддин аканинг оддий халқдан келиб чиққанлиги аён бўлади.

Китобнинг иккинчи фаслини асарнинг ядроси деса бўлади. Унда ҳозирги куннинг Ибн Синоси деб ном олган Муҳиддин хожи Умар ўғлининг табобатга кириб келиши, шўҳрат топиши, минглаб касалларга мўъжизакорлиги сифатида фақатгина қўлидаги пульсини ушлаб ташхис қўйиши, даволаши, ҳамда устози «жуда кучли дунёвий ва диний олим» Абдулҳаким бобо қўлида олган билимлари, Хитой-Тибет усулларини ўрганиши каби қатор маълумотлар териб ёзилади.

Умар Муҳиддин ўзи ким? У физик, Москвада собиқ иттифоқ Фанинг умумий физика ва диагностика лабораториясида академик А.С. Магаршак қўлида таълим олган. Шу институт директори Нобель мукофоти лауреати А. М. Прохоров билан бирга ишлаган. Шу институтда у пульсга қараб ташхис қўйиш бўйича биринчи аппарат — пульсографию иختиро қилган ва унинг довури оламга кетган. Пульсограф пульсограммани ёзади, унга қараб ҳам ташхис қўйилади. Аслида Муҳиддин акани бу институтга академик А. С. Магаршак тақлиф этган эди.

Муҳиддин аканинг усули оддий, у билан артериясининг уч нуқтасини 3-4 дақиқада текшириб, тўлиқ ташхис қўяди. Энг муҳими, унга Худо фазли қарамини насиб этган, пульсининг ҳамма сирини синоатларини яхши билади. Лекин унда иккинчи қўбилият — олтинчи севги борки, у шу пульсдан касаллик анамнезини (тарихини) ҳам билиб олади ва тўғри айтади. Унинг бошқалардан фарқи ҳам шунда. Муҳиддин ака касаллигини тарихини аниқ айтиб беради, қачон ва қандай касал бўлгансиз ва ҳозирги аҳволингиз қандай.

С. Мирвалиев табиб олимни Москвада қандай чиғириклардан ўтганликларини чироили қилиб ёзади. Масалан, унга бир неча СПИД касалини фақат билан артерияси ушлашга рухсат бериб, ташхис қўйишни сўрашди, у ҳатто касаллар билан гаплашмайди ҳам, лекин юз фоиз ташхис тўғри чиқади. Кўп космонавтар Муҳиддин ака қўлида Наманганга келиб, даво топишади. Собиқ совет иттифоқи қахрамонлари Г. Береговой, В. Коваленок, В. Шаталов, И. Почкаев каби ўндан ортиқ космонавт-

лар ўзларининг илиқ сўзларини ёзиб қолдирган, матбуотда эълон қилишган. Космонавт И. Почкаев «Олис ўтмишга эга юртингизни машҳур кишиларни кўп, уларнинг бири ўзбек халқининг фахри, аҳойиб табиб Муҳиддин Умаровдир. Бугун Наманганда Шарқ табибати марказининг очилиш маросимига келдим. Бунини машҳур табибга бўлган ҳурмат ва эътирофнинг исботи деб ҳисоблайман, газетхонлар мени айтганларимдан хабардор бўлишсин», — деб ёзади.

Муҳиддин ака пульсдан ташхис бўйича мактаб яратган. Уни 30 дан ортиқ шогирдлари бор. Бу мактаб шогирдлари ҳозир республикамиз турли ҳудудларида ҳам фаолият кўрсатадилар. Муҳиддин ака ҳар йили бир неча марта азият Тошкентда Темирйўлчилар шифохонасида касалларни қабул қилади ва даволайди. Даволашда асосан ўтлардан фойдаланади. Ўтлар турли мамлакатлардан ўзланади.

Тўғри, китоб муаллифи таниқли олим, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, адабиётшунос, йигирмадан кўп эл озгига тушган йирик монографиялар муаллифи, биринчи бор ҳозирги Шаҳидлар майдонини ўрганиб, бу ерларда қатагон йилларида отилганларни кўтариб чиққан инсон, «Эл-юрт хизматлари учун» ордени совриндори, бағоят қалами ўткир филолог, ишонли ёзадиганлардан. Энг қизиғи шундаки, унинг ўзи уч марта оғир касалликка учраб Муҳиддин акадан даво толган, яъни бошидан ўтган табиб. Боз устига Тошкентдан ҳам жуда кўп касалларни Муҳиддин акага кўрсатиб, ёрдам берган. Даво толган жуда кўп инсонлар билан мулоқотда бўлган. Шунинг учун у келтирган фактлардан қочиб бўлмайди.

Бир кунги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология институти илмий ишлар бўйича директори Дилфуза Баходирова менга Муҳиддин ака ҳақида гапириб қолди. Уларнинг айтишича, Муҳиддин ака бир касаллик ташхиси бўйича борган эканлар. Табиб доктор ташхисини шундай тўғри қўйиптики, у ҳатто қайси ёшда қандай касал бўлганинига айтиб берипти. Қисқаси, ташхисларига гап йўқ. Ҳа бу Муҳиддин табибга Оллоҳ юктирган талант. Бунинг албатта сирлари ҳам бор.

Азиз муштарий, китобни бир ўқисангиз, жуда бўлмаганда мароқ билан ўқиганингиз қолади. Китоб ёзилишининг ўзи ҳам бир мўъжизадек.

Эркин ТУРСУНОВ,
профессор,
Ўзбекистон врачлар уюшмаси
фахрийлар комитети раиси.



Марокли сухбатга нима етсин.

Сурат муаллифи: Асен НУРАТДИНОВ.

— Это интересно —

ПОДРОСТКИ - САМЫЕ ГЛАЗАСТЫЕ

Иногда взрослые просят маленьких детей получить рассмотреть что-нибудь своими молодыми глазками. Однако малыши - не самые «глазастые» люди: пик зоркости наступает примерно к 11 годам. К такому выводу пришли сотрудники Института физиологии им. И. П. Павлова РАН, изучавшие остроту зрения у людей от 3 до 20

лет. Причину различной степени зоркости ученые объясняют тем, что даже у человека с нормальным зрением в разном возрасте глаза имеют разную разрешающую способность. Помимо возраста на разрешающую способность глаз влияют помехи - посторонние изображения вокруг фигуры, которую нужно разглядеть.

МЕД ЛУЧШЕ АНТИБИОТИКОВ

До недавнего времени лечебное действие меда как наружного средства объяснялось его плотной консистенцией (она не дает воздуху проникнуть в рану) и высоким содержанием сахара, задерживающего размножение бактерий. Новые данные свидетельствуют о том, что не только эти свойства помогают меду в борьбе с бактериями. Ученые из Уэльса доказали, что мед может считаться антибактериальным препаратом благодаря ферментам, которые вырабатывают пчелы.

Ёзма ҳақиқатлар

Болада шамоллашга қарши иммунитет ҳосил қилиш учун уни ўта чиниктириш шарт эмас. Педиатр (болалар шифокори) билан маслаҳатлашгандан сўнг болани бутун бадан ва оёқларини дастлаб илик, кейин совуқ сув билан чиникишга ўргатиш мумкин. Бундай содда машқлардан сўнг бола ҳарорат фарқларини осонроқ кўтаради. Гўдакни чирмашга ҳаракат қилманг. Пахта толасидан тикилган узун энгли майка илик шевининг тағидан кийилса, доимий ҳароратни ушлаб туриш учун қулай бўлади. Бола кўпроқ оёқланг юргани маъқул. Бунни уйда бир йил давомиди, дала ҳовлида эса ғафат ер нам бўлмаганда амалга ошириш мумкин. Бола яхши шамоллатилган хонада ухлатилиши маъқул.

“Если хочешь быть красивым - занимайся бегом, Если хочешь быть здоровым - занимайся бегом, Если хочешь быть умным - занимайся бегом”.

Наверно, очень трудно найти человека, который за всю свою жизнь не слышал этих слов, написанных на Олимпийской горе. Действительно, занятие спортом не только укрепляет иммунитет, но и способствует дальнейшему развитию человека, не только умственно, но и морально. Именно этот фактор издавна ценился людьми. Великий французский писатель Виктор Гюго писал, что для сохранения замка духа, нужно беречь замок тела. И правда, занятия физической культурой могут заменить нам всякие лекарства, но ни одно лекарство не может заменить физкультуру. С точки зрения медиков, своевременное занятие спортом способствует правильному обмену веществ в организме, оно также обеспечивает подачу кислорода в ткани, и конечно же, укрепляет иммунную систему. Абу Али ибн Сино в сво-

ем и «Каноне» (ч 1, отдел второй, параграф 1) писал, что умеренно и своевременно занимающийся спортом человек не нуждается ни в каком лечении.

Дерево, не будь ветра, дождя или нужной температуры, очень быстро сохнет. Так и живой организм без физической культуры превращается в завядший цветок.

СПОРТ — ИСТОЧНИК ЗДОРОВЬЯ

Смею заметить, что физическая культура народов, населявших территорию современного Узбекистана, всегда являлась частью общей культуры, и в свою очередь служила оздоровлению и воспитанию духовных и физических качеств.

Правительство Узбекистана, зная о большой пользе спорта, оказывает непрерывную поддержку развитию его по всей

республике. Одним из самых первых законов, принятых независимой Республикой Узбекистан, является Закон “О физической культуре и спорте”, принятый в 1992 году. Закон стал быстрыми темпами внедряться в программы учебных заведений не только столицы, но и туманов, городов, вилоятов, по всей республике. Построены и поны-

не имеется 231 стадион, 5231 футбольное поле, многочисленные площадки для игры в мини-футбол. Также для подготовки специалистов по физической культуре и спорту действует Узбекский институт физической культуры. Следуя пословице “В здоровом теле здоровый дух”, по инициативе Президента Республики Узбекистан И.Каримова огромное внимание уделяется развитию спорта, занятии им молодежи. За большой вклад в международное Олимпийское движение Президент И.Каримов удостоен высшей награды МОК - Золотого Олимпийского Ордена, и ордена Олимпийского Совета Азии.

Итак, если вы хотите стать знаменитыми спортсменами, как Ирода Туляганова, Мухаммадқадир Абдуллаев, Артур Таймазов, Рустам Касымжанов и многие другие знаменитые спортсмены, или хотя бы укрепить здоровье, занимайтесь спортом. Ведь в нашей республике все для этого делается.

Ирода ИЛЬХАМОВА.

Шоиста бекаларга

* Ҳаддан ташқари серёғ бўлиб кетган паловга гуруч солишдан олдин бир нечта картошкани артиб солсангиз, ёғини тортиб олади.

* Қайнатма шўрвага, қовурмага ва шунга ўхшаш овқатларга сабзавотларни йирик ҳолда солинг, акс ҳолда дармондорилари йўқолади ва овқат бўтқалашади.

* Нўхатнинг ўзини алоҳида пиширганда сувни идишдаги нўхат билан баравар қилиб қуйиш керак ва пишириш пайтида уни ҳеч қавламаслик зарур, акс ҳолда нўхат эзилиб кетади.

* Паловга сабзини босиб сув солгач, қаттиқ қайнатманг, масаллиқларнинг витамини йўқолиб, ош оппоқ

бўлиб қолади.

* Кечагидан қолган паловни иситмоқчи бўлсангиз, гуруч эзилиб кетмаслиги учун қозонга озгина (ярим пиёлача) қора чой қуйиб юборинг.

* Нон идишига кесилган олма, бир бўлак арчилган картошка ёки озгина туз ташлаб қўйсангиз, ноннинг суви қочмайди.

* Туз сақланаётган идишга бир неча дон гуруч ёки намликин шимиб оладиган бир ва- рақ қозғ ташлаб қўйсангиз, туз- ни намликдан ва түп-түп бўлиб қотиб қолишдан асрайди.

* Агар товани ишлатишдан олдин уни ўсимлик ёғи билан мойласангиз қовуришга ишлатилаётган сам- риёғ қорайиб кетмайди.

ОТКРЫТ ГЕН ИНСУЛЬТА


Исландские ученые обнаружили ген, играющий важную роль в развитии инсульта. Как рассказывают специалисты, это открытие позволит создать новые эффективные лекарственные препараты для лечения и профилактики этого опаснейшего заболевания.

Проведенные исследования в Рейкьявике показали, что у людей, в геноме которых присутствует определенная мутация гена, получившее кодовое название PDE4D, риск развития инсульта оказывается в 4-5 раз выше, чем в среднем по популяции. Ученые предполагают, что этот феномен связан с нарушением регуляции тонуса

кровеносных сосудов - ген PDE4D отвечает за синтез белка, участвующий в расслаблении мышц сосудистой стенки.

Кстати, стоит заметить, что это открытие было возможным только в Исландии. Благодаря определенной географической и культурной изоляции для жителей Исландии характерно значительно меньшее генетическое разнообразие, чем для любого другого народа, что делает их уникальным объектом для проведения генетических исследований.

Материал взят из журнала «Public Library of Science»
Перевод
Наргизы ВАХАБОВОЙ.



Gazeta muassisi:
O'zbekiston
Respublikasi
Sog'liqni saqlash
vazirligi

Bosh muharrir:
Po'lat MIRPO'LATOV.
Ibrochi muharrir:
Ibodot SOATOVA.

Tahrir hay'ati raisi: F. NAZIROV.

Tahrir hay'ati a'zolari: B. ARIPOV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. ALIMOV, G. ISLOMOVA, O. MIRTAYAYEV, O. MUHITDINOVA, M. MIRALIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. NIYAZMATOV, F. OQILOV, N. OTABEKOV, X. RABBANAYEV, R. SOLIXO'JAYEVA, N. TOLIPOV, M. TURUMBETOVA, A. UBAYDULLAYEV, F. FUZAYLOV, N. SHAROPOV.

Manzillimiz: 700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat. Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211. Adadi 5.802 nusxa. O'zbek va rus tillarida chop etiladi. Haftaning seshanba kunlari chiqadi. Maqolalar ko'chirib bosilganda O'zbekistonda sog'liqni saqlashdan olindi deb ko'rsatilishi shart. Buyurtma F-153.

Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma tabaq. Format A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi. E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillarning to'g'riligi ushbu reklama va e'lon beruvchilar mas'uldir.

Sahifalovchi: Baxtiyor QO'SHOQOV.
Boshmaxonaga topshirilish vaqt 19.00.